

ARES

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

SJIF 2021: 5.723

2021/03

VOLUME 2

SPECIAL ISSUE 2

Research

We increase scientific
potential together!

ARES.UZ

Exact Sciences
Natural Sciences
Technical Sciences
Pedagogical Sciences
Medical Sciences
Social and Humanitarian Sciences



THE JOURNAL OF
ACADEMIC RESEARCH IN
EDUCATIONAL SCIENCES

ISSN 2181-1385

VOLUME 2, SPECIAL ISSUE 2

MARCH 2021



www.ares.uz

XVI АСР БУХОРО ХОНЛИГИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА ПЕДАГОГИК ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИНИ ЁРИТИШДА "МУЗАККИРИ АҲБОБ" АСАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

А. Н. Нусратов

Бухоро давлат университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XVI аср Бухоро хонлигида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва педагогик тафаккур тараққиёти масалалари Ҳасанхожа Нисорийнинг Музаккири аҳбоб" асари воситасида очиб берилган. Асардаги Бухоро хонлигида шайбонийлар ҳукумронлиги даврида илм-фан, санъат, маданият, таълим ва бошқа соҳалардаги ўзига хос, давр руҳини, ўзида мужассам этадиган, қиёсий таҳлиллар келтириб ўтилган. Шунингдек ўша даврда маълум ва машҳур бўлган қатор олимлар, шоирлар, рассомлар, наққошлар, мударрислар ва бошқа илм фан намояндалари уларнинг қилган ишлари ва ёзган асарлари, унда ёритилган ўша давр муҳити тўғрисидаги қимматли маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Музаккири Аҳбоб, дин, тасаввуф, миллий мерос, мадраса, ренессанс, мударрис, тафаккур, мактабдор, маданият, ҳандаса, илм-фан, наққош, шоир, олим.

OPPORTUNITY TO USE THE WORK "MUZAKKIRI AHBOB" IN THE DEVELOPMENT OF SOCIO-POLITICAL LIFE AND THE DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL THINKING IN THE BUKHARA KHANATE OF THE XVI CENTURY

A. N. Nusratov

Doctoral student of Bukhara State University

ABSTRACT

In this article, the issues of socio-political life and the development of pedagogical thinking in the Bukhara khanate of the XVI century are revealed through the work of Hasankhoja Nisori's "Muzakkiri ahbob". The book contains a unique, comparative analysis of the Bukhara khanate in the field of science, art, culture, education and other areas during the reign of the Shaybanids. other works of science and their works contain valuable information about the environment of that period.

Keywords: Muzakkiri Ahbob, religion, mysticism, national heritage, madrasa, renaissance, teacher, thinker, schoolboy, culture, handasa, science, painter, poet, scholar.

Бухоро шаҳарлар рашкини келтирувчи ва
Эрам боғидан ҳам яхшироқ бир жойга йиғилган,
дин улуғларининг қибласи ва ер юзи
фозиллари йиғингоҳига айлангандир.

Ҳасанхожа Нисорий

КИРИШ

XVI аср Бухоро хонлигида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва педагогик тафаккур тараққиётини белгиловчи омиллардан бири, бу ўз даврида фаолият юритган тарихий шахслар, олимлар, дин ва тасаввуф вакиллари, шоир ҳамда ёзувчилар ўтган муҳаддис ва мударрислар уларнинг келажак авлодларга қолдирган қўлёзма асарлари билан белгиланади. Шунингдек миллий педагогикамиз тарихий тараққиёти мазмунини бойитишда хизмат қиладиган, ҳамда бугунги кун ёшлари онгида тарихий тафаккурни шакллантириш воситалари бўлган маданий-маънавий мерос билан ҳам ўлчанади.

Тарихий манбааларнинг қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатадики, Бухоро хонлигининг деярли барча тарихий давларида бу диёрда илм-фанга, диний ва дунёвий билимлар ривожига, бўлган эътибор муҳим аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида такидлаш жоизки XVI аср ўзбек миллий маданияти тарихида темурийлардан кейинги ўзига хос ренессанс даври бўлган десак муболаға бўлмайди. Бу даврга келиб муқаддас Бухоро заминида кўплаб шох асарлар яратилганлиги, ҳамда улуғ алломаларимиз яшаб ўтганлиги, улар ўзидан улкан маънавий мерос қолдирганлигини яхши биламиз. Зеро бу даврнинг тўғри объектив боҳосини бериш ҳамда ўша даврнинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти, унда ўртага ташланган фалсафий ва педагогик қарашларни қиёсий таҳлил қилиш учун, ўша даврда яратилган адабий тарихий манбаларни ўрганишга эҳтиёж сезилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бундай асарлар сирасига Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаққир Аҳбоб", Камолiddин Биноийнинг "Шайбонийнома", Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг "Меҳмонномаи Бухоро" ва "Сулук ал - мулук", Мулла Шодининг "Фатҳнома" (Шайбонийхоннинг таржимойи ҳоли шерий тарзда ҳикоя қилинади) ва Таворихи гузида нусратнома (ўзбек тилидаги насрий асар), Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Насруллонинг "Зубдат ул - осор", Ҳофуз Таниш ибн Мир Муҳаммад ал – Бухорийнинг "Шарафномаи шохий" (бу асар

“Абдуллонома” номи билан машхур), Муҳаммад ибн Валининг “Баҳр ул – асрор”, Зайниддин Васикийнинг “Бадое ул вақое” каби кўплаб тарихий асарларни киритиш мумкин. Шундан муҳим асарлардан бири бу Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққир Аҳбоб” асаридир.

Унинг муаллифи машхур Бухоролик олим ва шоир Ҳасанхожа Нисорий бўлиб у 1516 йилда ўз замонасида маълум ва машхур бўлган серқирра ижодкори Подшоҳожа бин Абдулваҳҳобхожа оиласида дунёга келади. Ўз соводини даслаб отасидан кейинчалик Бухоро мадрасаларида олади. Мадрасада у қофия сирларини пухта эгаллаш билан бирга тиббиёт, хандаса, мусиқа ва риёзиёт каби фанларни ҳам яхши ўзлаштиради. Нисорий тез орада машхур шоир сифатида танилади.

Бухоро хонлиги тасарруфида бўлган кўплаб шаҳарлардаги мадрасаларда мударрислик қилади. 1533-1543 йиллар оиласи билан Балх шаҳрида яшаб Камолиддин кўноқ мадрасасида хандаса фанидан дарс беради. Бухоро хонлари Абдулазизхон даврида садрлик лавозимида ишлаган бўлса, Абдуллохон II даврида “Малик уш-шуаро” унвонига ҳам сазовор бўлади. Нисорий 1957 йилгача яъни умрининг охиригача Бухорода яшаб мактабдорлик иши билан шуғулланади ва шу ерда вафот этади.

Ҳасанхожа Нисорий ўзининг “Музаққир Аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) асарини Абдуллохон II га бағишлайди. “Музаққир Аҳбоб” асарида Самарқанд ва Бухорода яшаб ижод қилган 250 ортиқ замонасининг машхур ижодкорлари ҳақида қимматли ва ноёб маълумотларни беради. Муаллиф ўз асарини қуйдагича тартиблагани ҳақида айтади. Асар мақола, 4 та боб ва хотимадан иборат қилиб тузилган. ²Мақола қисми икки рукндан иборат бўлиб унда Чингизий ва Чигатой султонлари аҳволи баёнига бағишланади. Биринчи бобда муаллиф кўришмаган ва бу оламдан ўтган олим ва шоирлар хусусида ҳикоя қиланади.

Иккинчи бобда эса муаллиф учрашган ва дунёдан ўтганлар хусусида. Учинчи бобда шоир учрашган ва айни пайтда ҳаёт бўлган зотлар ҳақида.

Тўртинчи бобда муаллиф кўришмаган аммо ҳозир яшаётган илм аҳли хусусида бўлса, китоб хотимасида Нисорийнинг бобоси, отаси, амакилари, ака-укалари ва яқин қариндошлари зикр қилинади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бизнинг фикримизча “Музаққир Аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) асари ўз моҳиятига кўра, Мовороуннаҳр, Хуросон, Шарқий Туркистон, Озарбайжон ҳамда Ҳиндистонлик шоир ва ижодкорлар ҳақида, ёхуд уларнинг ғазаллари, рубоий, матла, қита ва шерларидан намуналарни даврларга бўлиб

жамлаган таскира жанридаги шунчаки асар эмас. Балки бу асарда ўз даврида ёзилган бошқа тарихий асарларда кам учрайдиган XVI аср Бухоро хонлиги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва педагогик тафаккур тараққиётини ёритишда хизмат қиладиган қўшимча қимматли маълумотларга гувоҳ бўламиз.

Чунончи “Музақкири Аҳбоб”нинг мақола қисмида Нисорий Шабоний ҳукмдорлар ҳақида тўхталиб XVI аср Бухоро хонлиги маданиятини бошлаб берган ³Мухаммад Шайбонийхонни Бухорога илм излаб келганлиги, ўта такводор инсон бўлаганлиги,нақшбандия тариқатининг асосчиси ҳазрат Баҳоуддиннинг макбараларига ибодат қилиб,яшаганлиги хусусида маълумотларни келтиради.Хажай бузругворнинг набираси ³Низомиддинжоха Мир Мухаммад Нақшбандийнинг хизматларида бир муддат бўлиб у кишига мурид тутунган.

Низомиддинжоха Мир Мухаммад Нақшбандий Мухаммад Шайбонийхонга у ҳақида бир илоҳий башорат бўлганлигини унинг бу юртни тарк этмаслиги ҳақида, унинг иқболи ва тақдирида шу ўлкада буюк ишларни қилишга бир ишорат борлигини яйтади. Ўша башоратли ишорага амал қилган Шайбонийхон 12 йил давомида Туркистон вилоятидан Хуросонгача бўлган катта бир ҳудудда ўз империяни тузиб у ерларни иқтисодий,ижтимоий,сиёсий ва маданий жиҳатдан бақувват ва обод ўлкаларга айлантиради. Муаллифнинг келтиришича ⁴Мухаммад Шайбонийхон кўплаб илм соҳаларини мукамал эгаллаган киши бўлган.

Шерият соҳасида кўплаб шоирларга эътиқоди ва эътибори баланд бўлган.Мудом олиму фозилларни тўплаб илмий суҳбатлар уюштурганлиги ҳақида қизиқарли ва аниқ маълумотларни келтиради.

Ёки Шайбонийхондан кейин Бухорода ҳукмронлик қилган унинг жияни Убайдуллохон ҳақида кўплаб фактик маълумотларни келтиради. Масалан: Убайдуллохон қанчалик давлат ишлари билан банд бўлмасин.У ҳадис илмини Хожа Мавлоно Исфохонийдан, фикҳни Мавлоно Маҳмуд Азизондан, Куръон қироатини Мавлоно Ёрмухаммад қори каби замонасининг пешқадам алломаларидан кунд билан эгаллайди. Шу боисдан бу йуналишлардаги фаолиятида Убайдуллохон чуқур билимга эга эканлиги кўзга ташланади. Муаллифнинг асарда келтиришича у Куръон қироатида тажвидсиз ўқишни ножоиз санаган. Куръонга тафсир ёзган,фикҳга бағишланган рисола ҳам яратган. У етти хил хуснихатда ёза олган. Насх хатини ёзишда маҳорати беқиёс бўлган.

Музыка илмининг билимдони,чалувчи созанда, куйловчи сифатида замондошларининг тахсинига сазовор бўлган.Бундан ташқари асарда

Абдулазизхон, Абдулатифхон, Кўчкинчихон, Абулхайрихон каби кўплаб шайбоний ҳукмдорлар ҳақида ўта ноёб маълумотлар далилларда келтирилади.

Асардаги яна бир этиборга молик жиҳатлардан бири, тарих, тиббиёт, хатотлик, нотиклик, тассаввуф, ахлоқ, динилми, шаҳарсозлик, мударрислик каби қатор илм соҳаларида мувоффақиятга эришган замонасининг етук олимлари хусусида: Чунончи моҳир табиблар: Мавлоно рухий табиб (Ҳозирда психиатр) [1;81-б.], Ҳофиз Камол Турбатий [1;119-б.], Мавлони Абул Ҳаким, [1;231-б.], Мир табиблар [1:234-б.]. Моҳоратли мударрислар: Камолиддин Иброҳим Ширвоний, Мавлоно Хўжамухаммад Садр [1:74-б.], Мавлоно Фоний [1:75-б.], Мавлоно Пирмухаммад [1:262-б.], Мавлоно Фозил [1:105-б.], Мавлоно Мирмуфтилар [1:233-б.].

Серкирра нотиклар: Мавлоно Мажлисий [1:80-б.], Мавлоно Қобулий Бухорий [1:82-б.], Мавлоно Қавсий [1:86-б.], Низомиддин Абул Бақо [1;88-б.], Мавлоно Ҳамидиддин Шоший, [1;101-б.], Мавлоно Нахлий [1;239-б.]. Машхур хатотлар: Мавлоно Сокиний [1;82-б.], Шайх Баязид Пуроний, [1;92-б.], Мавлоно Марҳамий [1;237-б.], Хўжа Хусайн Марвий [1;243-б.], Мирзо Боқийлар [1;245-б.]. Пешқадам олимлар: Мир Гусийи [1;109-б.], Шайх Абу ал-Важд, [1;128-б.], Мавлоно Жамолиддин Исматулло [1;219-б.], Амир Садриддин Мухаммад [1;227-б.], Мавлоно Мухаммад Амин [1;230-б.], Қози Саид Харрозийлар [1;260-б.]. Мусиқа илми намояндалари: Мавлоно Номий, [1;120-б.], Мирзо Сабрийлар [1;247-б.] ҳақида кўплаб фактик маълумотларни келтириб ўтганлигига гувоҳ бўламиз.

Қуйида номлари келтирилган турли соҳа вакиллари ва намояндалари муаллиф айтганидек шериятга ихлоси баланд ўтган бўлсада, бироқ улар ўз даврининг машхур шоирлари сифатида эмас, балки улар асл касбида машхур ва номдор саналишган.

Мисол учун: Асарда табиб Мавлоно Абул Ҳаким ҳақида шундай келтиралади. У тиб илмлари амалини тўла ўзлаштирган, касалликларни аниқлаш бобида донг таратган табиб эди. Бошқа фазилатлардан ҳам бенасиб бўлмай кўпчилик илмлар унга мужассам эди. Шайхлар авлодидан бўлганлиги боис шерга ҳам илтифоти бўлганлигини келтиради муаллиф.

Моҳоратли мударрислардан Камолиддин Иброҳим Ширвонийни фозиллар йўлбошчиси сифатида тарифлаб, бир канча вақт Бухоро мадрасаларида мударрислик қилиб самарқанддаги машхур олим ва фозиллар ҳурматига сазовор бўлганлиги, у дарс берган шогирдларининг барчаси мавлонолик мақомига эришганлиги баён қилинади. Бундан ташқари Мавлоно

Ширвоний сўз санъти ва ижодий фаолиятда тенгсиз ва машхур бўлганлиги келтирилади.

Серкирра нотиклардан Мавлоно Қобулий Бухорийни ажойиб нотик ва хушсухбат киши бўлганлиги, унинг сухбатини Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўзи хуш кўрганлиги келтирилган. Мавлоно Ҳисор томонларига борганида Ҳисор аҳли хурсандлик билан уни сухбатига ошиқганлиги ибратли ҳикоят шаклида баён қилади.

Машхур хаттотлардан Шайх Баязид Пуроний ҳақида тўхталиб шайх асли Хуросоннинг мўътабар улуғларидан эканлиги, Бухорода маълум ва машхур бўлиб, шайхга шуҳрат келтирган фазилатлардан бири хушнавис хаттотлиги, етти қаламда ҳам бир хилда ёза олишидир деб келтиради. Бухородаги жомеъ масжиди меҳробидаги китоба унинг ижодига тегишлидир, дейди муаллиф.

Шунингдек асарда XVI асрнинг пешқадам олимларидан Мавлоно Жамолiddин Исматулло хусусида сўз юритилиб, унинг ёшлигидан илоҳий илмларни пухта ёгаллаганлиги, кейинчалик замонасининг машхур олимлари ҳузурида муридликда бўлиб, бир нечта илм соҳаларини машхур билимдонига айланиб, мавлавийлик мартабасига етишганлиги тўғридаги маълумотлар кизиқарли мисолларда келтирилган. Шунингдек Мавлоно Жамолiddин Исматулло Самарқанд мадрасаларида мукаммал маърузалар ўқиб илм толиблари ва одамлар фахрига айланган мударрислардан бири бўлганлиги, Олимнинг Абдурахмон Жомийнинг “Фавоиди санъ” асарини аниқлашга ёзган “Шиъаи пурфавоид” асари ўша давр мадрасалари учун асосий қўлланмалардан бири ҳисобланганлиги тўғрисида келтириб ўтилган.

Шунингдек асардан биз ўз замонасининг забардаст муסיқачилари ҳақида ҳам теран маълумотларни олимиз мумкин. Чунончи машхур муסיқашунос олим, созанда ҳамда хонанда Мирзо Сабрий хусусида тўхталиб ўтилган бўлиб, Мирзо Сабрий ўта ноёб ва баланд овозга эга эканлиги, у муסיқа назариёчиси ва муסיкий асбоблар ихтирочиси эканлиги, хусусан олим томонидан уд ва рубобдан ташкил топган ўзига хос бир асбоб ихтиро қилинганлиги, бу муסיкий асбоб чалинганда ноёб куй нағмалари жаранглаб инсонга хуш завқ ҳамда рухий таскинлик бера олиши тўғрисида тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари Мирзо Сабрий Бухоро шаҳрида кўплаб ўз шинавандаларига эга бўлган. Ёқимли овози сеҳирли куй ва наволарни чалиш маҳорати сирларини толиби илмларга ҳам ўргатган.

"Музақкири аҳбоб" асари орқали биз шунингдек бошқа бир қатор касб эгалари чунончи ўкчи, тижоратчи кулчапаз, тароксоз, наққош каби кўплаб замонасининг машхур ҳунармандлари уларнинг ижодий намуналари ҳақида

хам билиб олишимиз мумкин. Бу эса XVI асрга келиб Бухоро хонлигининг ижтимоий –сиёсий, маънавий –маданий ҳаётида юзага келган маънавий кўтаринкилик кайфияти ўта юқори даражада бўлганлигини, илм-фан ва педагогик тафаккур ривожига юксак тарикқий этганлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Умуман олганда "Музаққир аҳбоб" асари XVI аср Бухоро хонлигида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва педагогик тафаккур тараққиётини ёритишда энг муҳим қомусий асарлардан бири бўлиб, унинг воситасида, биз бир томондан Бухоро хонлиги тасарруфидаги шаҳарлар уларнинг пайдо бўлиши, топономик тарихи этнографияси, шунингдек бу шаҳарлардаги будёдкорлик ишлари қурилган мадрасалар, масжидлар, кутубхоналар, боғ ҳамда бозорлар ҳақидаги кўплаб муҳим маълумотлар билан қуроллантирса, иккинчи томондан Бухоро хонлиги маданий ҳаёти ва унинг ривожига улкан ҳисса қўшган шайбоний ҳукмдорлар ҳаёти ҳамда замонасининг машҳур тарихирчилари, табиблари, хатотлари, нотиклари, тасаввуф ва дин илми уламолари, даррислари шоир ва уста ханармандлари, улар томонидан ёзиб қолдирилган асарлар ҳамда келтирилган ижод намуналари ўрганиш орқали том маънода китобхоннинг давр ҳақидаги педагогик тафаккурини ривожлантиришга хизмат қила оладиган нодир манбалардан бири эканлигини англаб оламиз.

REFERENCES

1. Ҳасанхожа Нисорий "Музаққир ал-аҳбоб" (Дўстлар ёдномаси) / Форс тилидан Исмоил Бекжон тарж. А.Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т.: 1993.
2. Ас ророва Л. Қ. Бухоро мадрасалари тарихидан Nilol-nashriyoti. Тошкент 2016.
3. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX АСР I ЯРМИ). ., 2009.
4. Валихужаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., 1993.
5. Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1993.
6. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекитана. Т. 1958.
7. www. Histori uz.
8. www. wostlit. narod.ru
9. www. tarih. uz.

CONTENTS

Volume 2, Special Issue 2, 2021

1. Jumabayeva, C. B., Fayziev, V. B., & Rahmonova, X. A. (2021). O'SIMLIK PEROKSIDAZA FERMENTINING BIOLOGIK AHAMIYATI. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 4-9.

2. Rahmonova, X. A., Fayziev, V. B., & Jumabayeva, C. B. (2021). O'ZBEKISTONDA TARQALGAN QURTANA (SISYMBRIUM L.) TURKUMI TURLARINING BOTANIK TAVSIFI VA AHAMIYATI. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 10-17.

3. Нусратов, А. Н. (2021). XVI АСР БУХОРО ХОНЛИГИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА ПЕДАГОГИК ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИНИ ЁРИТИШДА "МУЗАККИРИ АҲБОБ" АСАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 18-24.

4. Закиров, Д. У., & Нурметов, Х. С. (2021). ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ ШКОЛА - ОСНОВНОЙ ИСТОЧНИК ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 25-31.

5. Қодирова, С., & Хужанов, А. (2021). HELICHRYSUM Mill. TURKUM TURLARINING TAPQALIШИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 32-37.

6. Салимова, Д., & Хужанов, А. (2021). FERULA L. TURKUM TURLARINING XALQ TAVOVATIDAGI AHAMIYATI. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 38-44.

7. Собирова, З. Ш., & Файзиёв, В. Б. (2021). СИМПТОМАЛНЫЙ АНАЛИЗ ВИРУСНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ РАЗЛИЧНЫХ СОРТОВ КУКУРУЗЫ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 45-52.

8. Эгамбердиева, Л. Н., Хуррамова, М. А., & Рамазонов, Б. Р. (2021). ПРОБУДИТЬ У МОЛОДЕЖИ ЧУВСТВО ЛЮБВИ К ПРИРОДЕ ОДНА ИЗ АКТУАЛЬНЫХ ЗАДАЧ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 53-58.

9. Хуррамов, А. Ж., Ражабов, О. Т., & Ядгарова, Н. Н. (2021). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИНИНГ ЎРНИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 59-67.

10. Рахматуллаева, А. К., & Мардонов, Ш. (2021). БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИОЛОГИК ИҚТИДОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(Special Issue 2), 68-74.

11. Фаффарова, Г., & Абдуллаев, А. (2021). ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES. АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, 2(Special Issue 2), 75-86.